



QAROR

2006 йил «16» Инвар

№-134-К

Фермер хужалигига кушимча ер майдони ажратиш тугрисида.

Узбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 8-ноябрдаги ПК-215-сонли «2006 йилда кишлок хужалиги кооперативларини (ширкат хужаликларини) фермер хужаликларига айлантириш тугрисида»ги қарорининг ҳамда Самарканд вилоят хокимининг 2005 йил 10-ноябрдаги 203-К-сонли ва туман хокимининг 2005 йил 10-ноябрдаги 687-К-сонли қарорларига асосан кишлок хужалик махсулотларини етиштирувчиларнинг асосий шакл сифатида фермер хужаликларини ташкил қилиш ва уларнинг фаолияти учун қулай шарт-шароитлар яратиш, шунингдек кишлокда бозор инфратузилмасини комплекс ривожлантириш мақсадида, Насвалиев Азаматнинг «Насвали бобо» фермер хужалигига кушимча ер майдони ажратиш тугрисидаги аризасини ҳамда М.Улугбек номли ширкат хужалиги қайта ташкил этиш комиссияси аъзоларининг 2005 йил 29-декабрдаги танлов яқунлари баённомасига ва шу ширкат хужалиги жамоатчилик кенгашининг ижобий хулосасини инобатга олиб

КАРОР КИЛАМАН:

1.М.Улугбек номли ширкат хужалигини тугатиш ва қайта ташкил этиш комиссиясининг 2005 йил 29-декабрдаги туман хокимлиги биносида утказилган тендер яқунлари буйича баённомасида голиб деб топилган Насвалиев Азаматнинг «Насвали бобо» фермер хужалигига пахта-галлачилик йуналишида, «Уздаверлойиха» олийгохи Самарканд филиали мутахассисларининг қайта йуклама қилиш қайдномасига асосан умумий майдони 9,9 гектар, шундан: сугорилиб хайдаладиган ери 9,8 гектар, ариқлар 0,1 гектар кушимча ер майдонлари 50 йилга ижарада фойдаланишга ажратиб берилсин.

2.Туман ер ресурслари ва давлат кадастри булими бошлиги (Б.Абдураззоков)га ер кадастр ва балл бонитети асосида мазкур фермер хужалигига ажратилган ер майдонларини узок муддатли ижара, шартномаси, тегишли меъёрий хужжатларни ва давлат гувоҳномасини тайёрлаш;

-туман Давлат солиқ инспекцияси (А.Тураев)га мазкур фермер хужалигини молиявий фаолияти устидан назорат урнатиш, солиқ ва бошка мажбурий туловларини тартибга солиш;

-туман статистика булими (З.Эргашев)га мазкур фермер хужалигининг статистик хисоботларини қабул қилиш ва умумлаштириш вазифаси юклатилсин.

3.Мазкур фермер хужалигига ер майдони ажратишда ширкат хужалигининг қопланмай қолган дебитор ва кредитор қарзларининг, ажратилаётган ер майдонларига мутаносиб равишда тақсимланиб, ундирилишини таъминлаш М.Улугбек номли ширкат хужалиги қайта ташкил этиш комиссия раиси Э.Рахматов зиммасига юклатилсин.

4.Ушбу қарорнинг қабул қилиниши муносабати билан Оқдарё туман хокимининг 2005 йил 19-октябрдаги 618-К-сонли қарори уз қучини йукотган деб хисоблансин.

5.Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ширкат хужаликларини қайта ташкил этиш комиссия раиси уринбосари Н.Жураев зиммасига юклатилсин.

6.Мазкур қарорнинг тасдиғи Вилоят хокимидан суралсин.

Туман хокими :-

Ш.Негматов